

Халқ сўзи

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан репортаж



Ватан остонадан бошланади, ватанпарварлик туйғуси эса инсон вужудида бешикданоқ ин куради. Шу маънода, бугун биз ушбу муборак остонани тавоф айлаб, уни кўзларимизга тўтиё қилмоқдамиз. Зеро, Истиклолнинг қадрли улуғ, шавкати сарбаланд. Бу улғуворликни англаш учун орта — мустақилликка эришиш остонасидаги йилларга назар солишнинг ўзи кифо. Негаки, ўша оғир шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани Президентимизнинг улкан азму жасорати намунаси эди. Бундай йўл тутиш қишлоқлардаги ижтимоий муаммоларнинг ечилиши, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликнинг сақлаб қолинишида улкан тарихий қадам бўлганини унуттишга ҳақимиз йўқ. Негаки, шундай ўзгаришлар туйғули одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига амин бўлган эди. Эртанги кунга — яхши кунларга умид уйғонган эди.

(Давоми 2-бетда).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 август куни Оқсаройда мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Эни Фалеомаваега ва Жеймс Патрик Моранни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, уларнинг мустақиллик байрами нишонланаётган кунларда келгани мамлакатимиз тўғрисида, ўзбек халқининг бой маданияти, маънавий ва тарихий мероси ҳамда аънавалари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беришини таъкидлади. "Парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси" мавзусидаги халқаро конференцияда АҚШдан нуфузли делегация иштирок этгани ўзаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганидан яна бир далolat бўлди. Қайд этилганидек, ривожланиб бораётган парламентларо алоқалар Ўзбекистон — АҚШ мулоқотининг муҳим йўналишларидан биридир. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Учрашувда илғор АҚШ технологияларини жалб қилган ҳолда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни изчи ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Конгрессменлар Ўзбекистон Президентини мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этдилар, Самарқанда "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивали муваффақиятли ўтказилгани билан кутдилар. Эни Фалеомаваега ва Жеймс Моран самимий қабул ва икки томон учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШда Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидладилар.

Ў.А.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йиғирма икки йиллигини баянлаб руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам билан сиз, қадрли юртдошларимиз, сизларнинг тинчликнинг бутун халқимизни чин қалбимдан табриклардан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойлиқларига эга бўлиш, биз қандай улғу тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзгичилигини чуқур англаб, беқийс салоҳиятимизни ишга солиш, қадрларимизни, дини диниётимизни тирклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишидир.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришидир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга муштаҳам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демакдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йилгирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган

ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш бора-бор кенг қўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиклолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми?

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек муштаҳам асос ва қудратли замин бўлди.

Барчани хайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни **биз кеча ким эдик бугун ким бўлдик?** Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобиди қолиб кетгани, қоқоқ, фақатгина пахта хом ашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйламанки, ҳали-бери қўлчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқибга қурб етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги

йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли, деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десаам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиклол йилларида ёқилги-энергетика, галла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлигини муштаҳамлаб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далolat беради.

Вақт ўтиши билан биз танадан, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда "Ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқдор бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омилли ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқимиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққиёт топан мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтарма олмайди!

Хурматли юртдошларим! Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлиши, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини муштаҳамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазирамиз сифатида кўраемиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётимизнинг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳақамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Мухтарам дўстлар! Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча хурматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тилакларимизни изхор этишга, уларнинг барчасига сўхат-саломатлик ва ишлартада янги омадлар тилашга ижозат берайлисиз.

Мана шу унутилмас дамларда кўпни кўрган, не-не синов ва

қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидойиллик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга беқийс ҳурмати билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, сунъимиз ва таянчимиз бўлиши йўлига қизиларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, нақвирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қадди-қоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни, ҳақиқатан ҳам, яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман.

Маррани доимо баянлаб кўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники! Мухтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, хондонларингизга файзу барака тилайман. Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига муштаҳам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истақлар изхор этилган.

Жумладан, йўлланган табрикларда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритди, минтақавий ва халқаро ишларда фаол катнашиб келмоқда. Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида жадал ривожланиб бормоқда — хусусан, яқинда Москвада бўлиб ўтган музокараларимиз бунинг тасдиқлади. Аминманки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан сиёсий мулоқотни янада кенгайтиришни, турли соҳаларда амалий ҳамкорликни кучайтиришни таъминлаймиз. Бу — Россия ва Ўзбекистон дўст халқларининг манфаатларига тўла мос келиб, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни муштаҳамлашга хизмат қилади.

Сизга муштаҳам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эътиром ила,
Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти
(Давоми 2-бетда).

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Собиқ мустабид тузум даврида халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари ном-нишонсиз кўмиб ташланган Тошкент шаҳрининг Бўзус соҳилидаги қаровсиз жой давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод зияратгоҳга айлантирилди. 2000 йилда бу ерда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Маъжму таркибиде "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ташкил қилинди. 31 августни Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлаш эзгу аънамага айланди.
(Давоми 3-бетда).

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган куннинг 22 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Хукумати, Хитой халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст халқингизга самимий қутловларимни ва энг эзгу тилакларимни йўлламан.

Ўзбекистонда Сиз, Жаноби Олийларининг раҳнамолигини эслаш 22 йил мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган ишларнинг ислохотлар самарасида иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, халқ турмуши сезиларли равишда яхшиланган, давлатингизнинг халқро ва минтақавий ишлардаги роли муттасил юксалиб бормоқда. Ишончим комилки, Ўзбекистон давлат қурилишида бундан буён ҳам янгидан-янги улкан зафарларга эришаверади.

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 21 йили мобайнида икки томонлама алоқалар барқарор ва жадал ривожланиб бормоқда, стратегик шериклик ўрнатилди, сиёсий ўзаро ишонч тобора мустаҳкамланмоқда, барча соҳалардаги амалий ҳамкорлик кенгайиб, халқаро ишлардаги ўзаро муносабатларимиз фаоллашмоқда. Томонлар хар икки давлатнинг туб манфаатларига тааллуқли масалаларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Сиз, Жаноби Олийларининг таклифингизга биноан яқинда мамлакатингизга илк давлат ташрифи билан бораман. Ташриф асосида Сиз, Жаноби Олийлари билан ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатлар, халқро ва минтақавий масалалар бўйича батафсил фикр алмашишга, шунингдек, ҳамкорлигимиз самаралари мамлакатларимиз ва халқларимизга катта наф келтириши учун ўзаро алоқаларимизни янада ривожлантиришга оид режани ишлаб чиқишга тайёрган.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва юксак масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Дўст Ўзбекистоннинг қудрати янада ошиши ва равнақ топишини, халқининг эса бахти ва фаровонлиги тобора юксалаверишини тилаб қоламан.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:

- Франция Республикаси Президенти **Франсуа Олланд;**
- Ҳиндистон Республикаси Президенти **Пранаб Мукержи;**
- Нидерландия Қироли **Виллем-Александр;**
- Австрия Республикаси Федерал Президенти **Хайнц Фишер;**
- Рим-католик черкови раҳбари **Папа Франциск;**
- Латвия Республикаси Президенти **Андрис Берзиньш;**
- Венгрия Президенти **Януш Адер;**
- Чехия Республикаси Президенти **Милош Земан;**
- Словакия Республикаси Президенти **Иван Гашпарович;**
- Болгария Республикаси Президенти **Росен Плевнелиев;**
- Сербия Республикаси Президенти **Томислав Николич;**
- Греция Республикаси Президенти **Каролос Папуляс;**
- Португалия Республикаси Президенти **Анибал Кавако Силва;**
- Туркия Президенти **Абдуллох Гўл;**
- Украина Президенти **Виктор Янукович;**
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**
- Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко;**
- Қирғизистон Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев;**
- Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон;**
- Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд;**
- Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи **Абдуллох II;**
- Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия кўмитаси раиси **Махмуд Аббос;**
- Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чьонг Тан Шанг;**
- Сингапур Республикаси Президенти **Тони Тан Кен Ям;**
- Таиланд Қироли **Пумипон Адулядет;**
- МДХ Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи Котиби **Сергей Лебедев.**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳақиқатан ҳам, Мустақиллик — асрий орауларимиз ушалган кун, тенглар ичра тенг эканлигимизга далил, эзгу ташаббуслар билан эл-юртга наф келтириш имконияти демократ. Шунинг учун бўлса керак, Истиқлол деб аталмиш муборақ калом тилга олинганда, вужуд-вужудимиз билан энтикамиз.

Фахр билан айтиш мумкинки, истиқлолга эришганимизга 22 йил тўлди. Асрлар силсиласида киприк қокқунчалик бу фурсат давомида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз иқтисодий салоҳияти, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий имкониятларининг нечоғлиқ улкан эканлиги дунёга намён этилди.

22 йил муқаддам Ўзбекистон деган юрт жаҳонга нотаниш бўлса, эндиликда юртимизни ҳам, халқимизни ҳам бутун дунёда яхши билишди. Таъкидлашимиз керак, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга табиқ қилинган, улкан самара ва натижалар берган, ўзимизга хос ва мос тараққиётнинг “Ўзбек модели” халқро микёсда тан олинган, эътибор этилмоқда.

Бугун Истиқлолнинг 22 доводидамизки, орта қайрилиб қарасак, оламшумул ва ҳайратомиз ютуқларга эришган навқирон мамлакатимизнинг мағрур одимлари ила келажакка дадил бораётганини яққол англаш мумкин. Албатта, мана шундай хотиржам ва озоқ юртга байрамлар ярашади. Бундай элда тотувлик, фаровонлик устувор, дастурхон тўкин, хирмон баракали бўлади.

2013 йил, 31 август. Ашишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи шодиенага муносиб тарзда безатилган.

Бу ерга ҳукумат вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Қарамонлари, Фан, маданият ва санъат намояндalари, ишлаб чиқариш илгорлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчиҳоналари ҳамда халқро ташкилотлар вакиллари, чет элдан келган меҳмонлар ташриф буюрган.

Соат 19.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кириб келади.



Аъло АБДУЛЛАЕВ, Сарвар ЎРМОҢОВ (ЎА) олган суратлар.

Йиғилганлар Юртбошимизни гулдурас қарсақлар билан қутиб олади.

Чорлов муҳаббати янграйди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами билан мубораққод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Тантана бошланади.

Майдонга ўрнатилган йирик мониторларда Президентимизнинг 1991 йил 31 август кунин парламент минбаридан нутқ сўзлаётган сиймоси намён бўлади. Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилади.

...22 йил. Бу йиллар мобайнида Президентимиз раҳнамолигида улкан муваффақиятларга эришилди. Хусусан, “Мустаҳкам оила йили” деб ном олган 2012 йилда ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш мақсатида хар бири 48 та квартирага эга бўлган 100

кўп қаватли уй қуриш ишлари амалга оширилди. Уйларни сотиб олишда қулай имконият яратилиши учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Худди шунингдек, оилаларнинг фаровонлигини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм

микдорида микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортик ижтимоий ёрдам муҳтож бўлган ёш оилаларнинг ниҳоят тўйимлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури асосида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқро ҳамжамият томонидан тан олинган “Соғлом оила — соғлом бола” дастури доирасидаги чора-тадбирлар янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқро жамғармалар билан ҳамкорликда “Саломатлик — 3” лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини юксалтириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундай бунёдкорлик ишларининг барчаси келажак учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Президентимиз буюқ келажак йўлида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилаётган заҳматкаш халқимизнинг имкониятларидан келиб чиқиб: “Биз ҳеч қимдан кам эмасимиз, ҳеч қимдан кам бўлмаймиз”, дея айтган хотиржам ва озоқ юртга байрамлар ярашади. Бундай элда тотувлик, фаровонлик устувор, дастурхон тўкин, хирмон баракали бўлади.

...Куй-қўшиқ садоси остида байроқдорлар ва қизлар фон гуруҳи сахнани очиб, ўз ҳаракатларини бошлайдилар. Ён-атрофдаги минглаб чироқлар сахнага кўрк бериш билан бирга, дилларни нурафшон этади, вужудни химирлатади. Майин оҳанглр сеҳри қутлуг тантанадан дарак берса, улуг ҳофизларимиз ижро этган катта ашуларлар оҳанрабои тантананага кўтаринки руҳ бағишлайди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар

лишади. Уларнинг шодон кулгиси, баравж хонишлари бир зумда меҳмонларга ҳам юқди. “Томоша” боллар ижодий театр студияси, “Ором”, “Наврўз” ва “Севинч” каби ашула ва рақс дасталари — юртининг бахтли авлоди куй-қўшиқлар садоси остида санъатларини намойиш этиб, улуг байрамимиз тантаналарига фойз киритдилар.

2012 йилда Сургил қони базасида, ҳатто, дунё мезонлари бўйича ҳам ноб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдини ташкил этадиган Устурт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилди ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Дунёдаги йирик “Томсон Рейтер” бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур “Прожект файнэс интернешнл” журнали ушбу лойиҳаниннг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устурт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газ-кимё санаетидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди.

...Эл-юртимиз осойишталиги, мамлакатимиз хавфсизлиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилган таълим ишлари охирида бунда муҳим омили бўлаётди. Хусусан, мамлакатимиз мудофаа қўбلياتини юксалтириш, харбий хизмат бораидаги муҳим қадамлар, армиямизни профессионаллаштириш йўлидаги янгиларнинг ўзининг самарасини бермоқда. Харбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур тураржой ҳамда майиш шaroит билан таъминлаш бораида ҳам кўп иш қилинди. Ана шу янгиланишларни тўласинча акс эттириш учун майдонга юрт посбонлари шаҳдам қадамлар билан кириб келади. Уларнинг дадил ҳаракатлари, “гурс-гурс” қадам ташлаш-



ди. Бу аҳолини мамлакатимиз бўйича рақами телевидение билан қамраб олиш даражасини 42 фоизга етказиш имконини берди.

Таълим-тарбия соҳасининг яхшиланган таълим шакллантириш, зулуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли, малакали касб тайёрлагичларга эга бўлган авлодини тарбиялаш жараёнини тақомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-хунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этиш масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг қўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги касб-хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012/2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш бевуричи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди.

Таълим соҳасидаги ишлар сарҳисоб қилинар экан, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инсад” халқро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринлидир. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатини инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий натижаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган.

Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакат орасида иккинчи ўринни банд этган.

Худди шунингдек, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДХ мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди.

Ортимизда болалар спортини ривожлантиришга доимий равишда катта эътибор қаратилгани ҳам, ҳеч шубҳасиз, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2012 йилда 108 та болалар спорт объектлари, жумладан, 16 та сузиш хавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудларида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қарийб 1 миллион 600 минг бола ёки юртимиздаги болаларнинг 35,6 фоизи турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Тошкент шаҳрида халқро стандартларга жавоб берадиган замонавий “Бунёдкор” ва “Локотив”, Бекобод шаҳрида “Металлург” футбол стадионлари бунёд этилди. Спорт қураши бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ташкил қилинди.

...Саҳнага мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган санъат жамоалари таклиф этилади. Улар иштирокида халқимизга хос аъналар ифодалангани, ободлик, тинчлик улугланган ларбарлар, ўланлар айтилади. Бир ёнда полвонлару дорбозлар маҳорати, иккинчи томонда қайовни отахону онахонларнинг меҳмоннавозлиги даврага фойз киритади.

2013 йил Юртбошимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб эълон қилинди.

Мамлакатни тараққиёт сари эл-тубуви куч, бу — яратувчиллик ғоясидир. Президентимиз раҳнамолигида амалиётга таъбиқ этилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти ҳам ана шу ҳаётбахш ғояга асосланган. Шу тўғрисида бугун биз улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи, иштирокчимиз. Хусусан,

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида рўй бераётган ўзгаришлар ён-атрофини, маҳаллаларимизни, қишлоқларимизни обод қилапти. Айниқса, энг чекка ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ўз дизайни, қулайлиги билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижийликларнинг ҳам хавасини уйғотмоқда.

Бу жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгариштириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқро конференция чоғида ҳам яққол намён бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюқ Британия, Франция, Германия, Испания, Италия каби олтимиздан ортик давлатдан 300 дан зиёд олим, мутахассис ва эксперт қатнашган ушбу анжуманда мамлакатимизда соҳада эришилаётган ютуқлар кенг таништирилди.

Бу борадаги эзгу мақсадлар рўйида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ҳамда тегишли Давлат дастури амалиётга жорий этилиши билан янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши муҳим воқеалардан бири бўлди.

Умуман олганда, намунали лойиҳалар асосида 2009 йилда 847 та, 2010 йилда 6800 та, 2011 йили 7400 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда эса 8510 та ана шундай кўркам тураржой қаторида, умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо мажмуалари, новвойхоналар, гузарлар, бозорлар, минибанклар, маиший хизмат кўрсатиш марказлари барпо этилди. Жорий йилда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги янги уй-жойлар қуришни 10 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг 2013 йил 12 июнда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан алоҳида уруғ берилганидек, “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилошларни яққол ифода этган олижаноб ғоянинг амалий ифодасидир.

Шундай экан, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритган бундай ютуқлардан ҳамда марралардан ҳам қайсимиз ғурурланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳаққимиз.

...Тантаналарда Ўзбекистон халқ артистлари, эстрада санъати усталари “Ниҳол” мукофоти соҳиблари, истеъдодли ёшлар ихтиросида қўшиқлар янграйди. Бу хонишларда она-юрт тараннум этилади. Ватан, истиқлол ҳақидаги энг сара, энг дилбар бўйича қўшиқлар жанглайди. Қўшиқчи, олам-олам завоқ-шавқ ила кишига сурур бахш этади, сурурки, дилларга эзгулик уругини қадабди.

Шодиенадаги тароналар оҳангидан ён-атрофда минглаб чироқлар порлаб, ўшқинликни, кўтаринкиликни ифодалайди. Мухтамал майдон узра мушаклар отилиб, бетакор манзаралар намён бўлади. Бу гўзаллиқни, баравж хонишларни, бундан дили хушнуд юртдошларимизнинг даврага фойз киритади.

2013 йил Юртбошимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб эълон қилинди.

Мамлакатни тараққиёт сари эл-тубуви куч, бу — яратувчиллик ғоясидир. Президентимиз раҳнамолигида амалиётга таъбиқ этилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти ҳам ана шу ҳаётбахш ғояга асосланган. Шу тўғрисида бугун биз улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи, иштирокчимиз. Хусусан,

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида рўй бераётган ўзгаришлар ён-атрофини, маҳаллаларимизни, қишлоқларимизни обод қилапти. Айниқса, энг чекка ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ўз дизайни, қулайлиги билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижийликларнинг ҳам хавасини уйғотмоқда.

Бу жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгариштириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқро конференция чоғида ҳам яққол намён бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюқ Британия, Франция, Германия, Испания, Италия каби олтимиздан ортик давлатдан 300 дан зиёд олим, мутахассис ва эксперт қатнашган ушбу анжуманда мамлакатимизда соҳада эришилаётган ютуқлар кенг таништирилди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу анъанага кўра, 31 август тонгида "Шахидлар хотираси" хизбониди халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мана шундай муборак жойларда, халқимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотилар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз ҳаёдан ўтади. Улар бир умр оруз қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаётнинг аҳамиятини тереңроқ англаймиз.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимишда турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Биз мустақиллик йилларида азалий қадриятларимиз, дину диёнатиимиз, миллий ўзгиримизни тиклаш йўлида қандай катта ишларни амалга оширганамиз элу юртимизга яхши маълум. Лекин бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт ва унинг ўткир талаблари маънавий ҳоҳишларни янги-янги вазифаларни олдимишга қўймоқда. Бутун дунё микёсда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бизга ёт ва бегона бўлган турли бузғунчи гоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Бу борада она-заминимиздан етишиб чиққан, дунё илм-фани ва маданиятига унутилмас ҳисса қўшган улуг мутафаккирларимиз, олим аломаларимиз мероси, албатта, беқиёс аҳамиятга эга. Бу ўринда гап ана шу бебаҳо бойликдан оқилона фойдаланиш, уни фарзандларимиз, ёш авлодимизга ҳаққоний ва беэвол етказиш ҳақида бораётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Яъни, бошқача айтганда, бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини англашнинг, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган

одамгина давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади. Ҳозирги вақтда дунёнинг узок ва яқин худудларида, Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдизи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарастлик ва маҳдудлик билан боғлиқ, десақ, янглишмаган бўламиз, деб сўзини давом эттирди Президент Ислам Каримов.

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётимизга таҳдид солиши мумкин бўлган бундай хатарларнинг салбий таъсири, афсуски, бизнинг яқин ён-атрофимизда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисалар мисолида ҳам кўриш, сезиш қийин эмас. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу воқеалар бизнинг худудимиздан четда, бизга дахли йўқ, деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло мумкин эмас.

Энг ёмони, бундай гоявий хуружлар турли йўллар билан, устмонлик билан олиб борилаётгани соғлом фикрли ҳар бир одамни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай гаразли кучларнинг асосий нияти — ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етарли бўлмаган, содда ва ғўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қобилиятлари йўлида фойдаланиш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, отабобларимиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай кутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда, фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуролантиришимиз лозим. Уларга биз учун муқаддас бўлган ислом динининг чинакам инсоний моҳиятини, унинг тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат, ҳамжиҳатлик дини эканини тўғри тушунириб беришимиз керак. Бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун одамларга бу борадаги бор ҳаққатини етказиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваломбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак.

Шу маънода, бутун ислом олами юксак ҳурмат ва эҳтиром билан эътироф этадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз қолдирган бой маънавий мерос биз учун мустаҳкам пойдевор

бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, илоҳий ислом таълимотини, хусусан, мўътабар хадисларни башариётга етказиш йўлидаги Имом Бухорий бобомизнинг маънавий жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим, деб билман. Бу улуг бобомизнинг табарруқ меросини мен доим такрор ва такрор мутолаа қилиб, нафақат ўтмиш ва бугунги ҳаёт, балки эртанги кун билан боғлиқ жуда кўп саволларга жавоб топаман. Айниқса, у зотнинг қаламига мансуб "Ал-адаб ал-муфрэд" асариди одамдод учун ибрат ва намуна бўладиган, уни ҳақ йўлга, эзгуликка бошлайдиган қанча-қанча хижмат ва ўғитлар борлигига, уларда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия масаласи инсонни инсон қиладиган асосий мезон сифатида белгиланганига ишонч ҳосил қиламан.

Бундай табарруқ асарларнинг долзарб аҳамияти шундаки, улар дунёнинг айрим худудимиздан одоб-ахлоқ асосларига болта уриллаётган, "оммавий маданият" кўринишлари тобора кенг тарқалиб бораётган бир вазиятда, бамисоли инсониятнинг кўзини очиб берадиган, уни оғоҳ этадиган бонг каби анграмоқда.

Ислом маданияти, ислом фалсафасининг қадимий марказларидан бири бўлган бизнинг муқаддас заминимизда камол топган ана шундай улуг олим уламолар, азият-авлиёларимизнинг ўлмас меросини, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни жаҳон микёсда кенг тарғиб улаш таъвиқ қилиш, Ўзбекистонимизда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борлигини амалга оширишга қўлларимизни қўйиш керак.

Мана шундай ноёб меросимизни, такрор айтаман, эл-юртимизга, фарзандларимизга етказишда мен уламоларимиз, кўпни кўрган оқсоқолларимиз, маҳалла фаоллари, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз янада фаоллик кўрсатишини истардим, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Шу кун Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик майдонига таширф буюриб, хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимизни рави бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Ў.А.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон бой тарихи, бетакрор анъана ва қадриятлари, гўзал табиатию меҳмондўст халқи билан сайёҳлар эътиборини доимо ўзига торттиб келган. Юртимизга бўлган қизиқиш, аиникса, мустақиллик йилларида янада ортди. Чунки ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида улуг аждодларимиздан қолган маданий бойлик ҳамда ёдгорликларни қайта тиклаш, шахару қишлоқларимизни ободонлаштириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт-коммуникация тармоқларини, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини замон талаблари даражасига келтириш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бундай хайрли тадбирлар аини пайтда ҳам изчиллик билан давом эттириляпти.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги кенг нишонланаётган аини кунларда юртимизда яна кўпгаб хорижликлар меҳмон бўлиб туришибди. Мухбиримиз улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.



«Истиқлолнинг ҳар бир йили асрларга бўйлашади»

дейишмоқда мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар ҳайрат билан



Стелла САЙМОН
(Ковентри, Англия):

— Мен бир неча йилдан бери Осиё бўйлаб саёҳат қиламан. Хитой, Хиндистон, Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея каби давлатларда бўлганман. Ўзбекистонга илк бор келишим. Таассуротларим бир олам. Тарих ва бугунги кун нафаси бир-бирига қоришиб кетган дивергент куч-қувватга тўлган, шижоатли ҳамда навқирон йигитни эслатади. Келажакка бўлган интилиш нафақат замонавий иншоотлар сони ёки бунёдкорлик ишлари кўлами, балки одамларнинг юз-кўзи, ҳаракатида ҳам яққол кўринади. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида аввалгига тарихий обидаларни микёсда кўриш керак. Кейин бозорлар, сайилгоҳлар, сўлим хиёбон ҳамда кўчаларни айландим. Одамлар билан дилдан суҳбатлашдим. Қарангки, ҳаммаси: "Бугун бизнинг маънавий меросимиз, бир пайла чойимизни ичиб кетинг", дея лўф қилади. Бундай бағрикенг халқни бошқа жойларда учратиш қийин.

Хулосам шуки, мамлакатимизда кўнгли очик, гайратли, меҳнатсевар

ҳамда аҳил-иноқ инсонлар яшар экан. Бундай фазилатлар мўжассам юрда эса, албатта, ривожланиш, тараққиёт бардавом бўлади.

Анна ДУАРТЕ
(Париж, Франция):

— Европа ва Осиёни қадимда бир-бирига боғлаган Буюк Ипак йўлининг маркази бўлмиш Ўзбекистондаги Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб кезганда, худди мозиёга сафар қилгандек таассурот уйғонади, кишида. Мамлакатимизда тарихий обидаларни асраб-авайлашга, аждодлардан қолган меросни келажак авлодга бус-бутун етказишга берилаётган улкан эътибор таҳсинга лойиқ. Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда эришяётган ютуқлари эшикларимизда мўжассам пойдевор — Президент Ислам Каримовнинг оқилона сиёсати мўжассам. Шу маънода, Истиқлолнинг ҳар бир йили асрлар билан бўйлашади, десам, асло муболага қилмайман.

Аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этадиган юртингизда замонавий таълим тизими билан

бирга, урф-одат ва анъаналар тарғиботининг тўғри йўлга қўйилганлиги бугунги глобаллашув даврида Ўзбекистоннинг миллий ўзига хослигига таянган ҳолда барқарор тараққиёт топшида муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Петра КРУЗЕ
(Франкфурт, Германия):

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишим. Дастлаб 2007 йили "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ва Мустақиллик байрами муносабати билан меҳмон бўлгандим. Ўзбекистонда санъат соҳасига, жумладан, мумтоз мусиқа санъатига қаратилган юксак эътибор мени ҳам ҳайратлантиради, ҳам ҳавасимни ортттиради. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида ўзига хос миллий кўшиқчилик ва мусиқа анъаналари ривожланган эканки, бу ранг-барангликни Европа томонларда учратмаганман.

Юртингизга келишимдан мақсад, нодир ўзбек чолгу асбоблари ва кўшиқчилик усуллари бўйича тадқиқот олиб бориш. Бу жудаман қизиқ мавзу. Кейинчалик ўрганганларим-

ни нуфузли нашрларда эълон қилиш ниятим бор. Ишончим комилки, санъатининг ноёб қирралари ҳар қандай кишини ўзига мафтун эта олади.

Фурсатдан фойдаланиб, юксак маданиятли, санъатни қадрайдиган ва доимо ардоқлайдиган Ўзбекистон халқига "Мустақиллигиниз абадий бўлсин!" деб қоламан.

Крешмир КОВАЧ
(Загреб, Хорватия):

— Фотосуратчиман. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини фотоаппаратим хотирасига муҳрлапман. Бундан аввал Хива ва Бухорога ҳам саёҳат қилдим. Ўзбекистонни беҳизга "Урта Осиё марвариди" дейишмас экан. Бу ерда кўзни қувонтирадиган масканлар жуда кўп. Одатда, Европадаги пойтахт шаҳарлар осмон остидаги улкан идораларни эслатади. Негаки, биздаги пойтахтларда, асосан, маъмурий бинолар жойлашган бўлиб, сайёҳлар ошқадиган жойлар кўп эмас. Тошкентда эса мамлакат маданияти ва тарихини ўрганоқчи бўлган сайёҳ ҳам, шунчаки кўнгли ёзиш учун келган хорижлик ҳам ўзи учун бирор қизиқарли янглик топади. Шунингдек, шаҳарнинг қўқаламзорлиги, дов-даратининг кўплиги менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистонга Хорватияда яхши билишади. Юртингиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётгани, Европада иқтисодий инкироз давом этаётган бир пайтда мамлакатимизнинг дунёга юз тутаётгани бизда ҳавас уйғотади. Хорватия ҳам Ўзбекистон каби ёш давлат бўлгани учун мамлакатларимиз тараққиётида ўзига хос ҳам-оҳанглик бордек туюлади. Бу, айниқса, мустақилликнинг қадрланишида, истиқлол нэматларининг улуғланишида кўзга яққол ташланади.

Ўз навбатида, энг улуг, энг азиз байрамимиз нишонлаётган Ўзбекистонликларга олам ҳаммиса ёр бўлишини тилаб қоламан.

Алишер ОТАБОВЕВ
ёзиб олди.

Эркин ва обод Ватан мадҳи

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови ҳаётида она-юртга муҳаббат руҳи билан йўғрилган янги кўшиқлар яратилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" ширини остида ташкил этилган мазкур ижодий танлов мамлакатимизнинг барча худудлари-

да кўтаринки руҳда ўтказилди.

Юртимизда миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг кўнгли мулкига айланувчи юксак савияли кўшиқларни яратишни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови янгидан янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, шoir, бастакор ва хонандалар

ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Танловда ёши, касби, миллати, профессионал тайёргарлик даражасидан қатъи назар, барча хонандаларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва қамровини янада оширмоқда.

Мазкур кўрик-танловнинг ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон Қарамони, халқ шoirи Абдулла Орипов сўзи, Ўзбекистон санъат арбоби Баҳрулла Лўфтуллаев мусиқаси билан ижро эти-

ладиган "Жоним Ватан" кўшиги учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмоновга берилди.

Иккинчи ўринга қорақалпоғистонлик ижодкорлар — шоира Гулистан Аннақилчева шёъри, Ажинияз Пахратиднов мусиқаси билан "Нихол" мукофоти совридорлари Сарбиназ Аннакулова ижросидаги "Шундай эркин замонлар" кўшиги лойиқ топилди.

Учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шoirи Хуршид Даврон сўзи, бастакор Жаводбек Қозимов мусиқаси билан яратилган "Сен менинг Ватанимсан" кўшиги учун Самарқанд давлат университети жамоасига берилди.

Ў.А.

ИНТИЛИШ

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "Ўзбекнефтогаз" Миллий холдинг компанияси ҳамда Жанубий Кореянинг "Kogas", "Kolon" ва "NK со Ltd" компаниялари билан ҳамкорликда "Ko-Ung Cylinder" қўйма қорхонаси ишга туширилди.

Юқори технологияли ишлаб чиқариш

— Бу ерда йилга 120 минг дона юқори босимли метан газ баллонлари ишлаб чиқарилади, — дейди қорхона муҳандис-технологи Саид-олим Саидахоров. — Қиймати 13,6 миллион АҚШ доллари тенг замонавий технолодик ускуналар Жанубий Кореядан келтирилган бўлиб, улар тўлиқ компьютерлаштирилган.

Эътиборлиси, мазкур қорхона фаолият бошлаши билан 100 нафар маҳаллий мутахассис ишли бўлди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Суви зилол, тупроғи унумдор юртимизнинг бол томар боғу роғлари билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳалари.



хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ Нишон туманида махсус дастур асосида энгил саноат корхоналарини барпо этиш орқали қишлоқ жойларда хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда

Хусусан, яқинда фаолият бошлаган "Нишон нур-текс" масъулияти чекланган жамиятида аёлларнинг мавсумий либослари ва кўрпа-тўшаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Йигирмага яқин хотин-қизни ишга жалб қилдик, — дейди жамият раҳбари Нуриддин Нурматов. — Илк махсулотларимизни савдога чиқариб, мустақиллигимизнинг 22 йиллигига ўзимизнинг камтарона совғамизни тайёрладик.

Таъкидлаш керакики, туманда дастур ижросини таъминлаш доирасида шу йилнинг ўтган даврида юзга яқин тикувчилик дастгоҳлари келтирилиб, хотин-қизлар учун 137 та иш ўрни яратилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Бахмал туманида табиий мева ва сабзавот шарбатлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхона фойдаланишга топширилди.

Сархил неъматлардан табиий шарбатлар

"Тошкентвино комбинати" очик акциядорлик жамияти Бахмал филиалидаги мазкур консерва цехи ишга тушириш учун 3,5 миллиард сўм сарфланди. Ҳозир 150 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига 150 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш имко-

нияти мавжуд. Таъкидлаш жоизки, бу ерда тайёрланаётган олма, узум концентратлари ва табиий шарбатларнинг 70 фоизи экспортга чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Урганч шаҳри марказида "Урганчтрансгаз" шуъба корхонасига қарашли "Ҳидоят" даволаш ва соғломлаштириш мажмуаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Урганчликларга байрам тўғриси

Мазкур иншоотда 2 миллиард 300 миллион сўмлик бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ва кўкчалмазорлаштириш ишлари бажарилди. Унинг ҳудудида фаввора, дам олиш айвонлари, теннис корти, минифутбол, волейбол, баскетбол майдончалари ҳам барпо этилди. 25 метрлик сув ҳавзаси эса замонавий сув тозалаш қурилмалари билан жиҳозланди.

Яна бир эътиборли жиҳати, 50 ўринли ушбу соғломлаштириш ва даволаш мажмуасида 30 та иш ўрни вужудга келди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Анджион шаҳрида илк бор беш қаватли тураржой бинолари барпо этилди. Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида қуриб битказилган ана шу мухташам иморатларга яқинда янги хонадон соҳиблари кўчиб ўтдилар.

Оилалар қувончи

— Жамоамиз 36 оиллага мўлжалланган 114-уйни қуриб битказди, — дейди "Ихтисослашган воҳа қурилиш" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари-

дан бири Раҳимберди Жураев. — Кўп қаватли тураржойнинг биринчи қаватидан савдо мажмуалари ўрин олади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Ёзёвон туманининг катта қисми қум барханлари билан қопланган. Шу кўриқ майдонлар ичида табиий кўллар ҳам кўзга ташланади.

Мовий кўллар хазинаси

Ёзёвонлик фермерлар эса мазкур ҳавзаларни хазина манбаига айлантиришмоқда. Ҳозир туманда балиқ етиштиришга ихтисослаштирилган 14 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаёпти.

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида Ёзёвонда яна 3 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. "Ёзёвон водий бўстони", "Отақўзи", "Микроэлемент" фермер хўжалиқларининг ҳар бирига 8-10 гектардан кўллар ажратилди. Бу табиий кўлларда балиқнинг "Карп" ва "Оқ амур" сингари турлари парваришланаёпти. Ҳар бир хўжалик йил охирига қадар 30-35 тоннадан лўқмаи ҳалол етиштиришни режалаштирган.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШИЖОАТ

Боланинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаётир. Энг муҳими, давлатимиз томонидан олиб борилаётган бу эзгу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини халқимиз теран англаб, уни астойдил қўллаб-қувватламоқда. Буни шахару қишлоқларимиздаги мухташам спорт мажмуаларида ташкил этилган спорт машғулотларида қатнашаётган ўғил-қизларимиз сони йил сайин ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Зеро, Президентимиз айтганидек, "Спорт нафакат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омидир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди".

П о й т а х т и м и з д а г и "Юзробод" болалар спорт мажмуаси ҳам истиқлолнинг болажонларга аталган тўғрисида. Барча шарт-шароит муҳайё қилинган мазкур мажмуа қисқа вақт ичида ўғил-қизларнинг севили масканига айланиб улгурди. Буни бадий гимнастика, футбол, дзюдо, бокс, сузиш, синхрон сузиш, самбо, каратэ каби спорт турлари бўйича фаолият олиб бораётган секцияларда 700 нафар бола қатнашаётгани ҳам исботлаб турибди.

"Юзробод"да бўлганимизда, машғулотлар қизгин давом этаётганининг устидан чиқдик. Кенг ва шинам ётиқ сув ҳавзасида бир гуруҳ болалар сузиш, ям-яшил майдонда эса "миллионлар ўйини"га

ошфута ёшлар футбол билан шуғулланишаётганди. Уларнинг завқу шавқини кўриб, қалбимизда фахр ва

"Албатта, ниятингга етгин", дея дуо қиламан. Фарзандларимизга мана шундай шароитларни ярати

Замонавий спорт мажмуалари

ёшларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутмоқда

ифтихор ҳисси жўш урди. — Турли жойларда болалар спорт мажмуалари очилаётганини эшитиб, бизда ҳам шундай ишшоот бўлишини орзу қилардик, — дейди фарзанднинг машғулотлари тугаганини кутиб турган Лайло Ёқубова. — Шу боис "Юзробод" спорт мажмуаси иш бошлаганида роса қувонганимиз. Ҳозир бу ерда ўғлим Дониёржон футбол сирларини ўрганаёпти. Унинг "Ойжин, ҳали кўрасиз, мен зўр футболчи бўламан", деганини эшитганимизда, ҳажжонлиб кетаман. Юз-кўзларидан ўпиб,

берган, уларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга минг раҳмат. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда юртимиз ёш футболчиларининг халқаро мусобақаларда, қитъа ва жаҳон чемпионатларида кўлга киритаётган бири-биридан ажойиб муваффақиятлари натижасида болалар ўртасида ушбу спорт турига иштиёқ янада ошди. "Юзробод"га ҳам "миллионлар ўйини" сирларини ўрганиш ниятида келаётганлар сафи кенг. — Айни пайтда 2002 ва



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Олимпиада ўйинларида шохсупанинг юқори погонларига кўтарилишди.

"Юзробод" болалар спорт мажмуасини тарқатарканмиз, бу ердаги жажжи ўғил-қизларнинг нигоҳига, уларнинг шаштига боқиб, мураббийнинг қатъият билан айтган гапларига чин дилдан қўшилдик. Лекин муҳими бу эмас. Давлатимиз томонидан болалар спортга қаратилаётган юксак эътибор замирида яна бир мазмун муҳассам. У ҳам бўлса, ёш авлод ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш орқали ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашдир. Зеро, Ўзбекистонимиз келажакни ана шундай юқори салоҳиятли авлод барпо этади, унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиради.

Ҳасан ПАЙДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ўрнида

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини
Ватанимиз Мустақиллигининг
22 йиллиги
байрами билан самимий
муборакбод этади!

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Бунда заҳматқаш галлакорларнинг, донни қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ходимларининг ҳам ўз ўрни бор. Барчангизга байрам кайфияти тилаймиз. Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғуси тарқ этмасин!

Қирқ булоқ ҳикмати

Пискент туманида Қирққизбод деган қишлоқ бор. Бир қарашда, шу номнинг ўзбек кишида ажабтовур таассуротлар уйғотади. Бирок қишлоқни машҳур қилган унинг номи эмас, бу ердаги сирли-синоатли табиат ёдгорликлари, десак, янглишмаймиз.

БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Қишлоқнинг Олмалик шаҳри билан туташ ҳудудидаги Қўлота дараси — шулардан бири. Дашту даладар, тап-тақир, яйдоқ кенгликлар бағрида жойлашган бу манзилга қадам босишингиз билан қандайдир мўъжизага рўбарў келгандай бўласиз. Негаки, Қўлота ҳудуди қуюқ дарахтзор, бири-бирига чирмашиб ўсган ноёб ўт-ўланлар, доривор гиёҳлар билан қопланган. Энг ҳайратланарлиси, бу ерда кўз очган қирқта булоқ чор тарафга узлуксиз охираёт улашиб турибди.

Табиат синоатларига қойил қолмай иложингиз йўқ. Қирқта булоқнинг ҳар бири бир дунё. Сувининг мазасидан тортиб, жойлашиш ўрни, шаклу шамойилгача бири иккинчисини такрорламайди. Мутахассислар булоқ суви таркибини таҳлил қилишганда, унда турли моддалар, табиий ва шифобахш маъданлар ниҳоятда кўп эканини қайд этишган.

— Биласиз, Оҳангарон воҳаси фойдали қазилмаларга ниҳоятда бой, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Фуломов номидаги Археология институти катта илмий ходими Алишер Ражабов. — Айниқса, Олмалик руда майдонида Менделеев даврий jadвалидаги барча модда мавжудлиги геологик тадқиқотларда ўз исботини топган. Қолаверса, азалдан бу ерлардан олтин, мис, қумуш, фируза каби ноёб ва қимматбаҳо тошлар, маъданлар қазиб олинган.

Қўлота булоқларининг "ёши" анча улуг. Тарихий манбаларда улар эрамизнинг олтинчи асриданок маълум экани қайд этилади. Шу сабабдан ҳам бу сеҳрли чашмалар

хусусидаги афсонаю ривоятлар неча-неча замонлардан буюн оғиздан-оғизга ўтиб юради. Қўлотанинг аҳоли орасида "Қирққиз" деб аталиши ҳам шундан.

Дарвоқе, "Қирққиз" афсонасини эшитганмисиз?! Эмишки, шу элнинг ҳусну латофатда тенгсиз қирқ сулуви бўлган. Бу бебаҳо заминга кўз тикканлардан бири эл-улусга ҳужум қилиб, чор тарафни аёвсиз талаганда, қирғинбаротлар ана шу паривашларни ҳам домига тортади. Ҳимосия санамлар олдида икки йўл қолади. Бири ёғий қўлига тушиб, ор-номусдан айрилиш, иккинчиси эса...

Улар иккинчи йўлни танлашади. Ор-номус йўлида жондан кечган қирқ сулувга Қўлотанинг туби сўнгги манзил бўлади.

Кексаларнинг айтишича, замонлар ўтиши билан Қўлотанинг суви қурий бошлаган. Бора-бора қақроқ чўлга айланган қўл ўрнида она-табиадининг бетимсол инролари туйфайли қирқта булоқ кўз очган, дейишади...

"Қирққиз"ни шифобахш, дедик. Худди шундай. Неча замонлардан буюн бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ҳамда қўшни республикалардан, хатто, узоқ-яқин хориж давлатларидан ҳам кўплаб сайёҳлар, зиёратчилар келишади. Улар орасида шифо умидидагилар ниҳоятда кўп.

"Ихлос — халос" деган нақл бор. Чиндан ҳам, бу ерни зиёрат қилиб, худди шу булоқлардан қониб ичиб, ошқозон-ичак, юрак, буйрак, шунингдек, қанди диабет, бепуштлиқ, тери, таянч-ҳаракат аъзолари касаллиқларига даво топганлар оз эмас. Бу ерга келувчилар билан сўхбатлашсангиз, юзлари ёришиб кетади. Наинки, "Қирққизбулоқ"нинг сир-синоатларидан, жаннатмонанд юртимизга ато этилган мана шундай бетакорр табиат тилсимотларидан тўлиб-тошиб сўзлашади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Ўзломлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
 Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
 Навбатчи — О. Фаизиев.
 Мусоҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.12 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5